

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 16 куни, Бухоро вилоят жиноят ишлар бўйича Ромитан туман суди биносида очиқ суд мажлисида:

Раислик қилувчи, туман судининг раиси З.Шаропов, судья ёрдамчиси Н.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Ромитан туман прокурори ёрдамчиси Д.Асадов, судланувчи **XXX** ва унинг ҳимоячиси - адвокат К.Наврўзовнинг иштирокида, **XXX**га нисбатан 1-2012-2601/6-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

XXX (XXX) - 11.12.1988 йилда Хоразм вилояти Урганч туманида туғилган, миллати ўзбек, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, оилали 4 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, судланмаган, Хоразм вилояти Урганч тумани, “Коромон” МФЙ, Нурли келажак қишлоғи, 42-уйда яшайди, унга нисбатан “муносиб-хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 26.12.2025 йил олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 261²-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, иш материалларини атрофлича тафтиш қилиб, йиғилган далилларга юридик баҳо берган ҳолда, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

XXX, муқаддам жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 04.11.2025 йилдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 131-моддасининг 2-қисми билан унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланган бўлса-да, у суднинг қарорига асосан ўрнатилган маъмурий назорат чекловларига амал қилмасдан 09.12.2025 йилда “Дамас” русумли 90Y934YA давлат рақамли автомашинасини Ромитан туман Газли МФЙ ҳудудидан ўтувчи А-380 автомобил йўлининг 320 кмдан маст ҳолда бошқариб келаятганлиги Бухоро вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ ЙПХ катта инспектори томонидан аниқланиб **XXX**ни тегишли тартибда тиббий текширувдан ўтказишганда унинг маст ҳолатда транспорт воситасини бошқаргани аниқланган.

Судда судланувчи **XXX** айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 04.11.2025 йилда автомашинани спиртли ичимлик истеъмол қилгани учун маъмурий жавобгарликка тортилгани, шундан сўнг 09.12.2025 йилда у ўзининг ишлари билан Қашқадарё вилоятига боргани у ерда спиртли ичимлик истеъмол қилгани, ишлари чиқиб қолган учун автомашинани ўзи бошқариб боришга



мажбур бўлгани, автомашинани бошқариб келаётганида, Ромитан туман А-380 автомобиль йўлининг Газли МФЙ ҳудудидаги хушёрлик постида турган ЙПХ инспектори тўхтатиб ундан спиртли ичимлик ичганлигини сўрагани, у ичмаганлигини айтгани, шундан сўнг уни алокотестрга пуфлатишгани, алкотестрга пуфлаганида унда 0.615 мг/л спиртли ичимлик истеъмол қилгани аниқлангани, шундан сўнг унинг бошқарувидаги “Дамас” автомашинасини жарима майдончасига жойлаштиришгани, қилмишидан пушаймонлигини, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судда гувоҳ **Ҳайитов Ҳикматбек Ҳакимович** дастлабки терговда берган кўрсатмаларини тасдиқлаб, у 09.12.2025 йилда Ромитан тумани Газли шаҳарчасидан ўтувчи А-380 автомобил йўлининг 325-кмда тунги вақтда хизмат олиб бораётганида соат 05:00 ларда Ромитан туманидан Хоразм вилоятига қараб кетаётган “Дамас” русумли 90Y934YA давлат рақамли автомашинани хушёрлик масканига тўхтатгани, унга яқин борганида ундан спиртли ичимлик ҳиди келиб тургани ва уни алкотестрга пуфлатганида 0.615 мг/л миқдорини кўрсатгани, шундан сўнг автомашинани жарима майдончасига жойлаштиришгани, **XXX**га уни вилоят нарकोлогияга олиб боришини айтганида у вилоят нарकोлогияга боришдан бош торгани ва у тўпланган ҳужжатларни Ромитан туман ИИБ ЙХХБ бўлимига ўтказганлигини билдириб кўрсатма берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи **XXX**нинг кўрсатмаларини тинглаб, судланувчининг айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар ва Урганч туман судининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарорлари, ДВД дискни кўздан кечириш тўғрисида баённома ва унга илова қилинган фотожадваллар ҳамда бошқа иш материалларида тўпланган далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи **XXX**нинг ўзига тегишли бўлган “Дамас” русумли транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариши, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилганликда ифодаланган ҳаркати УЎзбекистон Республикаси ЖКнинг 261¹-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчига нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим”лиги, шу қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги тўғрисидаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, **XXX**нинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини



енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмаслигини, шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчилигини, қилмишидан пушаймонлигини инobatга олиб қонун санкциясида назарда тутилган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

ашёвий далил деб эътироф этилган XXXнинг 09.12.2025 йилда автотранспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлиги акс этган бир дона ДВД дискни иш ҳужжатлари билан биргаликда сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

XXX (XXX), Ўзбекистон Республикаси ЖК 261¹-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 261²-моддасининг 1-қисми билан 3 (уч) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш ва таъминлаш Урганч туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг XXXга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган XXXнинг 09.12.2025 йилда автотранспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлиги акс этган бир дона ДВД диск иш ҳужжатлари билан биргаликда сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Бухоро вилоят суди апелляция ва кассация инстанцияларига шикоят ёки протест бериши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

З.Шаропов

